



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 4 август, № 151 (5318)

Пайшанба

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Президентимиз ташаббуси билан 2011 йил юртимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши ва шу муносабат билан махсус Давлат дастурининг қабул қилиниши иқтисодиётнинг ушбу муҳим тармоғини янада ривожлантириш, ички бозорни рақобатбардош ҳамда сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли даромадларини кўпайтириш, фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлмоқда.



ҚИШЛОҚ САНОАТИ

иқтисодиётимиз ривож, турмуш фаровонлиги ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади

Ўтган вақт мобайнида, айниқса, давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларнинг зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиш учун бозорга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, кичик биз-

нес ва хусусий тадбиркорликка молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби кўплаб қулайликлар жорий этилгани натижасида бундай субъектларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йили 52,5 фоизга етди. Ҳозирги кунда мамлака-

тимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётганлиги ҳам қувонарлиқдир.

Бундан ташқари, 2011 йилнинг биринчи ярмида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес корхонаси ташкил этилиб, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни яратилди. Кичик бизнес корхоналарининг саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги улуши 20,4 фоиз, экспорт ва ўз маҳсулотларини биржа савдolari орқали реализация қилиш ҳажми 1,5 баробар кўпайди.

Президентимизнинг шу йил 4 апрелда имзоланган “Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эса тадбиркорларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

— Фармонда белгилаб берилганидек, янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳўжалик фаолияти уч йилгача режали солиқ текширишларидан ўтказилмайдиган, — дейди Қашқадарё вилоятидаги “Етимтоғ кўри” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Эрали Курбанов. — Бу ва бошқа имтиёзлар тадбиркорларни янада фаол бўлишга ундаётди.

— Шароит, имконият ва рағбат бор жойда ривожланиш

бўлиши, шубҳасиз. Президентимизнинг ушбу Фармони бизнинг қонуний манфаатларимизни ҳимоя қилишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда, — дейди яна бир тадбиркор, Намангандаги “Машхим” корхонаси раҳбари Хайрулло Зиёбоев. — Эндиликда ишлаб чиқариш фаолиятимизни кенгайтириш учун янада қулай имкониятлар яратилиши нафақат маҳсулот миқдори ортишига, балки янги иш ўринлари яратилишига мустаҳкам пойдевордир.

Чиндан ҳам, мамлакатимизда иш ўринларини ташкил этиш, кўп жихатдан, хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти кенгайишига боғлиқ. 2011 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, жорий йилда мамлакатимизда 956,2 мингта иш ўрни яратилиши кўзда тутилаётгани бунинг тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).



Дунё нигоҳи

Президентимизнинг шу йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан, юртимизда ушбу кўтлуг байрамни муносиб тарзда нишонлашга қизгин тайёргарлик қўрилмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАШ БАХТЛИ КИШИЛАРГАГИНА НАСИБ ЭТАДИ»

Мустақиллик йилларида юртимизда рўй берган оламшумул янгиланишлар, амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, Ватанимизнинг кўзни қамаштиргудек жамоли чет эллик сайёҳлар ва меҳмонларда ҳам хуш таассурот уйғотмоқда. Улар бу борадаги мулоҳазаларини шундай баён этишадди:

Лорберот АСТРИД (Франция):

— Юртингизга учинчи бор келишим. Сайёҳларнинг хорижий сафарларини уюштириш билан шуғулланаман. Бу ерга ҳар сафар келганимда уни янгича қиёфада кашф этаман. Бирор бир ўзгаришга, янгиликка гувоҳ бўлман. Ўзбекистон — жаннатноманд юрт. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари, айниқса, гўзал ва бетакрор. Пойтахтингиз — Тошкент шаҳри кундан-кунга янада тароватли, салобатли бўлиб бораёпти. Кейинги йилларда кўплаб янги иморатлар қад ростлабди. Кўчалар аввалгидан-да обод бўлибди. Халқингизнинг бундай бунёдкорлиги, меҳнаткашлиги мени лол қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Бугун мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда зарур қонуний асослар яратилган бўлиб, улар изчил такомиллаштириб боришмоқда.

Маълумки, фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутди. Давлат эса, асосан, конституциявий тузумни, мамлакат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиши, ҳуқуқ-тартибот ҳамда муҳофаза қилишнинг таъминлаши,

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий эркинлигини муҳофаза қилиш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш талаб этилади. Булар қаторида, шунингдек, стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва ҳўжалик масалалари бўйича, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳўжалик

юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш,

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал қилинади.

Жамият ҳаётидаги яна

бошқа кўплаб вазибалар, хусусан, бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилади. Бугунги кунда


Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) бу йўналишда фаол иш олиб бормоқда. Энг муҳими, Президентимиз томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётди. Шу ўринда нодавлат ва жамоат ташкилотлари жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ҳамда ҳимоя

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар



АНДИЖОН туманидаги резина маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Руббер Траст” корхонасига хориждан 51 минг АҚШ долларилик замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди.

Янгиланиш шарофати

Натижада бу ерда 16 турдаги оёқ кийимлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхонада янги лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, жорий йилнинг олти ойи давомида 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Унинг 1 миллион АҚШ долларилик қисми экспортга йўналтирилди.

Туманда жорий йилнинг биринчи ярмида шу каби истиқболли лойиҳалар доирасида 2952 та иш ўрни яратилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОРАЗМ. Гурлан туманилик тадбиркор Маҳмуд Ўрозбоев банкнинг 35 миллион сўмлик кредити ҳамда ўз маблағидан фойдаланиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Дастурхонимиз файзи

Айни пайтда бу ерда илғор технологиялар ёрдамида кунига 2 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, эл дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Умуман олганда, туманда 2011 йилнинг биринчи ярмида 4 миллиард 307 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРШИ шаҳридаги “Ёшлик” хусусий корхонасида кунига беш тоннадан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга янги технологик линия ишга туширилди.

«Ёшлик»нинг нони ширин

135 минг АҚШ долларилик маблағ эъзизига амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли 12 та иш ўрни яратилиб, ички бозорга 50 миллион сўмлик маҳсулот чиқаришга муваффақ бўлинди.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО. Жондор туманидаги “Альфа Омега” илмий-ишлаб чиқариш корхонасида маҳаллий хом ашёдан яна бир тиббий маҳсулот — косметик вазелин тайёрланмоқда.

Имтиёз берган имконият

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида корхонага берилган имтиёзлар туфайли тежаб қолинган 42,8 миллион сўмлик маблағ ушбу лойиҳани амалга оширишга сарфланди.

Қўшимча 18 та иш ўрни яратилган корхонада ойига 100 минг дона қадқолганга косметик вазелин ишлаб чиқарилмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Саноатимиз салоҳияти ошмоқда

Шу рақамнинг ўзиёқ жуда кўп нарсани англатади. Зотан, глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири оқибатида дунёнинг аксарият давлатлари саноатининг муҳим йўналишларида пасайиш кузатилаётган бир пайтда бундай юқори ўсиш кўпчиликининг ҳаваси ва ҳайратини келтираётгани аниқ ҳақиқат. Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан юқори технологияларга асосланган замонавий саноат тармоқлари ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоққа ҳам саноатни олиб кириш бўйича изчил ислохотлар олиб борилаётгани бу борадаги муваффақиятларнинг гарови бўлмоқда.

Дарҳақиқат, 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурнинг ҳаётга жадал татбиқ этилаётгани соҳада нурли уфқларни очиб берди. Унинг до-

ирасида, айниқса, энергетика, нефть-газ кимёси ва кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, замонавий турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби етакчи тармоқларда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётди.

Шу билан бирга, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш модернизация қилиниб, хорижнинг илғор технологиялари татбиқ этилиши жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ички бозорни импорт ўрнини босувчи муҳим саноат товарлар турини кўпайтириш имконини берди. Буларнинг барчаси саноатимиз салоҳияти тобора юксалиб, жадал ўсиш суръатларига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бир рақам шарҳи

Мамлакатимизда

2011

йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши

6,8

фоизни ташкил қилди.

Август — ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи

БИОЛОГИК УСУЛ:

ҚУЛАЙ, АРЗОН ВА БЕЗАРАР

Ҳозирги ҳар бир кун — республикаимиз пахтакорлари учун йилга татийдиган энг масъулиятли палла. Сабаби, айни август ойида пахта ҳосили тақдири ҳал бўлади.

Бу даврда йўл қўйилган биргина хато эрта қўқламдан то шу кунга қадар қилинган меҳнатни чиплақка чиқариши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун юксак хирмон яратмоқчи бўлган деҳқон ҳосил нишонларини асраб-авайлаб, унинг салмоғини ошириш, ёнига қўсақлар қўшиш пайдан бўлади. Тунни-тун, кунни-кун демай,

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилиш, сиёсий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизимларида муқобил куч сифатида фаолият кўрсатаётганини алоҳида эътироф этиш керак.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича аниқ қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Унда таъкидланганидек, юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи омилдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган давр мобайнида юртимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилингани алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, нодавлат нотижорат ташкилотлари мақсад ва ва-

зифаларига мувофиқ равишда республикада ўтказилаётган кенг кўламли ислохотларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати,

ривожланишининг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим. Бу бежизга эмас, албатта.

жавобгарлик белгиланиши Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган “Қучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” мақсадининг қатъий эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини

белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Зеро, шу орқали жамият ва давлат қурилиши, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини таъминлашнинг қонуний механизми яратилишига эришилади. Бундай тартибнинг ўрнатилиши, табиийки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклигини кучайтириш ҳамда жамоатчилик назоратини олиб боришдаги фаоллигини янада оширишга хизмат қилади.

Негаки, жамиятнинг энг фаол институтларидан бирига айланиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига асоссиз аралашши, уларнинг ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишига тўсқинлик ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Бундай шароитда, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларининг мансабдор шахслар томонидан поймол этилиши учун маъмурий

Хулоса ўрнида айтилганда, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш пировардида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг масъулиятини кучайтириб, уларнинг жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашдаги ролини оширади.

Х. ИБРАГИМОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Яхши хабар

Тошкент вилоятида жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 110 нафардан зиёд тадбиркор хориждан замонавий технологиялар олиб келиш мақсадида чет эллик ҳамкорлар билан 2 миллион 500 минг АҚШ долларилик ҳамда 4 миллиард 210 миллион сўмлик шартномалар имзолади.

Лизингга замонавий технологиялар

Хусусан, паркентлик Мирсобир Қўчқоров ҳам бундай имкониятдан фойдаланиб, ўзи раҳбарлик қилаётган “Хуснора плюс юксалиш” масъулияти чекланган жамиятида қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир бу ерда лизингга чет элдан харид қилинган замонавий технологиялар ёрдамида ойига 15 тонна ширинлик ҳамда 30 тоннадан зиёд нон маҳсулотлари тайёрланиб, ҳудуддаги савдо шохобчаларига чиқарилмоқда.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жараён

да 260 миллиард сўм маблағ мазкур субъектларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга сарфланди. Бу борада қорхоналар негизинда 8 та замонавий ишлаб чиқариш субъекти ташкил этиш, минглаб иш ўринларини сақлаб қолиш имконини берди. Пировардида ўтган қисқа давр ичида қарийб 6 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрланиб, унинг бир қисми экспорт қилинди.

Анжуаманда, шунингдек, “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Қайд этилишича, ушбу соҳага 148,3 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши тўғрисида 3 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Самд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАШ БАХТЛИ КИШИЛАРГАГИНА НАСИБ ЭТАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз, хорижликларни кўпроқ юртингиздаги ажойиб тарихий обидалар ҳайратга солади. Ҳар келганимда уларнинг янги бир қиррасини илгаб оламан. Хусусан, қадимий Хивадаги бири-бирини такрорламайдиган тарихий ёдгорликлар шу юртининг шарафли ўтмишини, ақл-зақосини, буюк салоҳиятини намоён этиб турибди.

Ўзбекистоннинг тарихини ўрганиб, меҳмондуст, дилкаш инсонлари билан учрашиб, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни кўриб, бу юрт халқига тасаннолар айтдим.

Иш тажрибамдан билманки, Ўзбекистонга келиш истагини билдираётган сайёҳлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Шубҳасиз, юртингиз кўришга, билишга, ҳавас қилишга арзийдиган замин.

Янив ГАРДИ (Исроил):

— Қадим Хоразм, унинг Хива шаҳрида ўтказган такрорланмайдиган онларим бир умр ёдимда қолади. Ичанқалъадаги ҳар бир қадимий иншоот катта тарихдан сўзлайди. Унда минг йилларнинг изи, ҳаёт ҳикмати, бугунги кун нафаси билан қоришиб кетгандай гўё. Уни бунёд этган, ҳозирда ҳам асраб-авайлаб келаётган халқ — улуг халқ.

Бу оламда мамлакат кўп, юрт кўп, миллату элат кўп. Уларда миллионлаб турли феълли кишилар яшайди. Лекин ҳеч бирини ўзбек халқига ўхшатолмайман. Меҳмон учун жонини беришга тайёр, эзгуликини ҳар қандай туйғудан юқори қўядиган, содда, самимий, меҳнаткаш ўзбек халқидек халқ дунёда ҳам учрайди. Бу юртининг ўтмиши, бугуни билан танишиш, табиатидан, нозу неъматларидан баҳра олиб, фуқаролари билан суҳбатлашиб, амин бўлдимки, уларнинг феъл-атвориға яратувчанлик қайфияти, бунёдкорлик фалсафаси сингиб кетган. Бундай юртдан файзу барака аримайди. Буни бутун дунё англаяпти, деб ҳисоблайман. Чунки юртингиз жаҳоннинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар билан гавжум.

Умид қиламанки, бир кун яна Ўзбекистонга келаман. Чунки бу кўшели юртни соғинишим аниқ.

Кинг РИЧАРД (Канада):

— Мен сафарим чоғида Ўзбекистон ҳақида, унинг бой маданий, илмий мероси тўғрисида кўп нарсани билиб олдим. Жаҳон илм-фанининг теран томирлари шу ўлка билан боғлиқлигига, бу ерлик кишилар буюк аж-доқлари хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтиромда бўлиб келаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистон мустақил бўлгач, қадриятларни тиклаш борасида катта ишлар қилинибди. Бундай юртда яшаш бахтли кишиларгагина насиб этади. Унда тинчлик, осудалик, бунёдкорлик ҳукмрон.

Таассуротларимни ўз ақилларимга гапириб бераман, албатта. Улар дилида ҳам юртингизни бир бора кўриш истаги уйғонса, ажабмас.

Тазекава СОШИ (Япония):

— Мен дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман. Аммо Ўзбекистондек гўзал юртни кўрмаганман. Бу юртда ҳар қадамда улуг, бетакор ишларни кўриб, ҳайрат ва ҳавасимиз ошди. Саёхат давомида бой таассуротга эга бўлдик. Ўзбек халқининг бой тарихга, маданиятга, катта яратувчанлик салоҳиятига эга эканига ишонч ҳосил қилдик. Ана шундай бағрикенг, меҳмондуст, саховатли ўзбек заминида меҳмон бўлганимдан бахтиёрман.

Ўзбекистон яқинда ўз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлар экан. Бунга тибиб хурсанд бўлдик. Байрам арафасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бизни ҳам қувонтирди. Юртингиз кўчалари обод, файзли. Одамларнинг юз-кўзидан ҳаётдан мамнунлик сезилиб турибди. Болажонларнинг ҳам бахтиёрлигини кўрдик. Улар бизнинг тилимизда шеърлар ўқиб беришди. Буларнинг барчаси фаровонликдан, мамлакатдаги тинчлик, осудаликдан далолат бериб турибди.

Мен бу гўзал юртга, хусусан, Хива шаҳрига яна келишни, у ҳақда кўпроқ билишни, ўрганишни дилimgа тугиб қўйдим. Сўзимнинг охирида ўзбек халқига бахт-саодат, ёрқин истиқбол тилаб қоламан.

«Халқ сўзи» мухбири
Ойбек РАҲИМОВ
ёзиб олди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

елиб-югуриб, ёўзасининг бошида парвона бўлади. Тажрибадан маълумки, гўза зараркунандаларига қарши ўз вақтида курашилмаса, ҳосилнинг катта қисми нобуд бўлиши мумкин. Бунинг энг самарали йўли биологик усулдир. Унинг афзаллиги фақат нархи арзонлигида эмас, балки инсонлар саломатлиги, атроф-муҳит мусоффолиги учун мутлақо безарарлигидадир. Бизнинг биолобора-

БИОЛОГИК УСУЛ: ҚУЛАЙ, АРЗОН ВА БЕЗАРАР

ториямиз бу борада фермерларга қянқдан ёрдам бермоқда.

Жамоаимиз, асосан, туманимиздаги Охунбобоев номили суз истеъмолчилари уюшмасига қарашли фермерларга ва қўшни туманлардаги деҳқонларга хизмат кўрсади. Бугунги кунга қадар гўза зараркунандаларига қарши курашишда қўлланиладиган 7,2 килограмм трихотрограмма, 3,5 миллион дона олтинқўз, 3,4 миллион дона бракон етиштириб, фермер хўжаликлари пайкаларига чиқардик.

Этибор берган бўлсангиз, шу кунларда ҳарорат бир оз пасайди. Бу саратон ойи тугаб, асад кирганидан далолат. Табиатда содир бўлаётган мазкур ўзгаришлар кўсак қурти капалаклари учиб, уруғ қўйишига ва уларнинг ривожланишига шароит яратади. Бунинг олдини олиш мақсадида изчил чора-тадбирлар кўриломоқда. Жумладан, гўза шохларига феромон туткичлар олиб чиқилди. Уларга капалакларни жалб қиладиган ҳидли суюқлик чаплаган бўлиб, бу ҳашаротлар учун мустаҳкам туюқдор. Она табиятта, инсонлар соғлигига таъсир этмайдиган усул фермерларга ҳам маъқул бўлаяпти.

Пахта — миллий бойлигимиз. Шундай экан, мўл ҳосил етиштиришда фермерларга яқиндан ёрдам бериб, ана шу бойлигимизни кўпайтиришга ҳисса қўйиш барча хизмат кўрсатувчи қорхона ва ташкилотлар жамоаларининг бурчидир.

Баҳодир МЕНГИНЁЗОВ,
Денов туманидаги «Жасурбек Бўронов» биолобаторияси мудири.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ҳамкорлигида «Банк ва реал сектор ҳамкорлиги: миллий иқтисодиётнинг ўсиш салоҳияти» мавзюида матбуот анжумани ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб, унинг барча тармоқларида юқори ўсиш суръатлари эришилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Кейинги йилларда жаҳоннинг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатларида ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайиб, ишсизлик даражаси ошиб бораётган мураккаб бир шароитда шундай улкан натижага эришилгани, айниқса, қувонарлидир. Бу, ўз навбатида, миллий банк тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Нега деганда, иқтисодиёт реал секторининг ривожини бевоситата молия муассасалари томонидан фаол қўллаб-қувватла-ниши, соҳага узоқ муддатли инвестицияларнинг киритилишига боғлиқ. Республикаимизда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва капиталлашувини оширишга алоҳида эътибор

қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Натижада 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банкларнинг ҳамма капиталли 4,6 трлн. сўмини ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баробарга ошганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Тижорат банклари рекурс базасининг барқарорлиги иқтисодиёт реал секторини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашга кенг имконият ярат-

моқда. Жорий йилнинг олти ойида банкларнинг кредитлаш ҳажми 38,2 фоизга ошиб, 15,4 трлн. сўмини ташкил этгани бунга мисол бўла олади.

Инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг иштирокини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг 43 та филиали, 92 та минибанки, 168 та жамағарма кассаси, 150 га яқин махсус касса ва шохобчалари орқали 1 миллиондан зиёд миқозда 60 турдаги банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Шу йилнинг биринчи ярим

йиллигида ажратилган кредитлар ҳажми кескин ортгани, унинг асосий қисми нефть-газ, кимё, энергетика, қурилиш ва транспорт каби иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларига йўналтирилгани шундай дейишимизга тўла асос бўлади.

БАНК ВА ҚОРХОНА ҲАМҚОРЛИГИ

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Банк инвестиция фаолиятидаги муҳим йўналишлардан яна бири, бу — иқтисодий ночор ва паст рентабелли қорхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашдир. Айни пайтда Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал секторини қорхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, банк балансига олинган 14 та банк-роҳ қорхона фаолиятини қайта йўлга қўйиш ишлари жадал олиб боришмоқда. Шу йилнинг ўтган олти ойи-

турдаги 30 миллион сўмлик маҳсулотни бозорга чиқаришмоқда. Мирзачўлининг чекка бир қишлоғида эса тадбиркор Шўҳрат Давронов электр лампалари ишлаб чиқарадиган қорхонани ишга туширган эди. Кўнига икки минг дона лампа тайёрлаш қўвағига эга ушбу қорхонада 20 дан ортиқ қишлоқ ёшлари меҳнат

вожланишига катта имкониятлар яратмоқда. Чунончи, Гурлан туманидаги деҳқончиликка ихтисослаштирилган “Бозор” фермер хўжалиги раҳбари Ҳамза Раҳимов қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир фермернинг кичик қорхонасида ойига 10 тонна маҳсулот тайёрланаётди. Қизилтепа туманидаги

маси Президентимиз томонидан тадбиркорларга қаратилаётган эътибор ва берилаётган имтиёзларнинг ҳосиласи бўлиб, эндиликда фермерлар ҳам фақат хом ашё етиштириш билан узоққа бориб бўлмаслигини англаб етётганлигидан далолатдир. Демак, фермерлар қишлоқ инфратузилмасини ўзгартириш, тадбиркор-

туфайли Наманган вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий йилнинг биринчи ярмида 693 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаб, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини 64,5 фоизга етказдилар. Андижон вилоятида эса жорий йилнинг биринчи чорағида 979 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

ҚИШЛОҚ САНОАТИ

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

қилишмоқда.

— Авваллари қишлоғимиз аҳолиси фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган бўлса, эндиликда ўша кетмон тутган қўллар замонавий дастгоҳларни бошқаришни ҳам қўйилмамоқда, — дейди Олтинсой туманидаги Инок қишлоғида яшовчи Парда Қосимов. — Мисол учун, яқинда қишлоғимизда тадбиркор Мурод Абдуллаев “Азия пласт — Олтинсой” номили қорхонани ташкил этгач, қўллаб ҳамқишлоқларимиз доимий ишга жойлашдилар. Ҳозир ушбу қорхонада 15 турдаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарилимоқда.

Қишлоққа саноатнинг кириб келиши ҳудуддаги ёшларни замонавий касбларга йўналтириш билан бирга, уларнинг иш билан таъминланишига ҳам хизмат қилаётди. Хусусан, бугун биргина Нурота туманидаги Ғозгон қишлоғида 130 дан зиёд кичик қорхоналар фаолият кўрсатаётгани бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, қишлоқ жойларда қўллаб фермер хўжаликлари бир йўналиш билан чекланиб қолмай, минитехнологияларни қўллаш орқали қайта ишлашни йўлга қўйганлиги ва уларнинг сафи тобора ортиб бораётганлиги ҳам саноат ри-



“Адишбобо” фермер хўжалиги қошида эса сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қорхонаси иш бошлади. Етти турдаги маҳсулот тайёрланаётган мазкур қорхонада 14 киши меҳнат қилаётди. Шу билан бирга, қўнғиротлик фермер Сагддин Давлетяров нон ишлаб чиқариш қорхонасини ишга туширган бўлса, Термиз туманидаги “Сурхон” фермер хўжалиги ўзининг гишт заводиға эга бўлди. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Буларнинг ҳам-

ликни ривожлантиришда етакчи кучга айланиб бормоқда. — Тадбиркорнинг дадил оёққа туриб олиши, қўп жиҳатдан, дастлабки ҳаракатининг қўллаб-қувватланишига боғлиқ, — дейди Хоразм вилоятидаги “Ота минок” хусусий қорхонаси раҳбари Аҳмадхон Уринов. — Шу боис мамлакатимизда ишбилармонларнинг эркин фаолият юритишлари учун барча қулайлик ва имкониятлар яратиб беришмоқда. Ана шу омилардан оқилона фойдаланилгани

лик субъекти рўйхатга олиниб, уларда 36 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур соҳанинг изчил ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий ва моддий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари ҳам қўл келмоқда.

Жумладан, ўтган йили бу субъектларга 2 триллион 690 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда 3 триллион 800 миллиард сўмлик кредит маблағларини йўналтириш мўлжалланмоқда. Пировардида ана шу мақсадли сармоялар жойларда янги қорхоналарнинг очилишига, ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишига, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга хизмат қилаётди.

— Кўпдан буён томёпқич материаллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишни мақсад қилиб юрардим, — дейди қустлик тадбиркор, “Умид Феруза” хусусий қорхонаси раҳбари Улугбек Валижонов. — Бирок технология

линияни сотиб олиб, ишни бошлаш учун маблағим етмасди. Шундан банкнинг кўмаги ниҳоятда асқотди. Банк ҳодимлари бизнес лойиҳам билан танишиб чиқшгач, 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит беришди. Шунинг ҳисобига янги қорхонани ишга тушириб, 18 та иш ўрни яратдим.

Банкдан олинган кредит ҳисобига фермерларнинг янги йўналишларда иш бошлашлари салмоқли ютуқларни қўлга киритишда ҳам муҳим омили бўлаётди. Мисол учун, Сурхондарё вилоятидаги “Тўполон олтин балиғи” фермер хўжалиги банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига балиқ чавоқларини харид қилиб, 4 гектарлик сув ҳавзасига ташлаган эди. Натижада жорий йилда эл дастурхониға 26 тонна лўқмаи ҳалол етказиб берилди.

Дарҳақиқат, мулкдорларнинг ўрта синфий шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратишда тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси борган сайин ортиб бормоқда. Бугун юртимизнинг шаҳару қишлоқларида юз бераётган кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар билан танишсангиз, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётган озлаб саноат қорхоналарини бориб кўрсангиз, қалбингизда фохр-ифтихор туюсиз. Бозор, бу тадбиркорларимизнинг зеро иқтисодиёти талабларини пухта ўзлаштириб, ҳеч кимдан кам эмасликларини намён қилаётганларининг ёрқин ифодасидир.

Абдураззоқ КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурод ШАРАПОВ,
Ҳасан ПАЙДОВ
олган суратлар.

ЎЗРТХБ	котиловқаларли сўм/кг	УН олий нав	714,6 ▼ - 2,5	УН биринчи нав	527,1 ▲ +13,2	УН иккинчи нав	470,8 ▲ +4,3	ПАХТА ЁФИ	1690,3 ▼ - 25,3	СУЛЬФАТ АММОНИЙ	226,3 ▼ - 4,5
--------	-----------------------	-------------	---------------	----------------	---------------	----------------	--------------	-----------	-----------------	-----------------	---------------

ЖАҲОН

24 соат
ичида

Ижобий кўрсаткич

Германиянинг "BMW" автомобилсозлик компанияси жорий йилнинг иккинчи чорагини мўмай даромад билан якунлади, дейилади "Bloomberg" агентлиги хабарида.

Хусусан, корхона бу даврда 1,81 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўрган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан деярли икки баробар кўпдир. Шунингдек, "BMW" бу борада асосий рақобатчилари бўлган "Audi", "Daimler" концернларини сезиларли даражада ортда қолдирган. Экспертларнинг фик-

рича, компания фаолиятида қайд этилган мазкур ижобий кўрсаткичга янги ишлаб чиқарилаётган "ХЗ" русумли машиналарга талабнинг ортгани сабаб бўлган. Шу боис "BMW" мутасаддилари йил якунига қадар 1,6 миллион донa машина сотишга умид қилишмоқда.

Яна хакерлар можароси

"Guardian" газетасининг ёзишича, Буюк Британиядаги 72 та ташкилотга хакерлар томонидан ҳужум уюштирилган.

Хабарларга қараганда, бу ҳужум орқали давлат идораларининг маълумотлар базасига зарар етказиш мақсад қилинган бўлиши мумкин. Шунингдек, бу кимингдир топшириғи билан амалга оширилган қабиҳлик экани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Хусусан, "McAfee" компанияси мутахассислари шу фикрни илгари суришяпти.

Ушбу ҳужумдан етказилган зарар миқдори ҳақида маълумотлар йўқ.

Кондаги нохушлик

Украинадаги "Суходольск-Восточная" қонида юз берган портлаш оқибатида 16 нафар киши ҳалок бўлган.

Бу хабар мамлакат фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан маълум қилинди. Кўнгилсизлик оқибатида 12 нафар ишчи бедарак йўқолгани ҳам айтилмоқда. Олиб борилган қидирув-қутқарув тадбирлари давомида улар-

дан икки нафари топи-
лган. Қолганларнинг тақдирини эса ҳозирча номаълум.

Хабарларга қараганда, портлаш юз берган вақтда қонида 28 нафар одам бўлган. Портлаш нимадан келиб чиққани ҳақида маълумотлар йўқ.

Сабаби аниқ эмас

Бразилия жанубида мамлакат Куролли Кучларига қарашли вертолёт ҳалокатга учради.



дарида йўқолган. Қидирув ишлари натижасида вертолётнинг қулаб тушгани аниқланди. Фожаа оқибатида унинг бортида бўлган саккиз киши ҳаётдан кўз юмган.

Фалокат сабаблари ҳозирча аниқ эмас.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бандлик

Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида касб-хунар коллежлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда юздан ортқ корхона, ташкилот ва муассаса етти юздан зиёд иш ўринлари билан қатнашди.

Ёшлар иш бериувчилар томонидан ташкил этилган кўргазма орқали мавжуд иш ўринлари, талаб ва тақлиф ҳақида батафсил маълумот олиш имкониятига эга бўлдилар.

— Ярмаркада қатнашганларнинг 600 нафардан кўпроғини коллеж битирувчилари, 400 нафарини хотин-қизлар ташкил этди, — дейди шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бўлими бошлиғи Абдорбек Асқаров. — Шу кунни 598 нафар ёш мутахассис доимий иш ўрнига эга бўлди.

Тадбирда энг кўп иш ўринлари ташкил этган корхона ва ташкилотларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

А. САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

Узлуksиз таълим сифатини ошириш, мактаб ва коллеж ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўла қамраб олиш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан биридир.

Президентимиз раҳнаомлигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижаси замонавий мактаб, лицей ва коллежлар қиёфасида, уларда яратилган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, камолга етаётган ёшларимиз салоҳиятида акс этиб турибди.

Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг қўшма хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Халқ таълими вазири Т. Ширинов олиб борган мазкур йи-

гилишда янги таълим муассасаларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, бу борада бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш, мактаб ва коллеж ҳамкорлигини қучайтириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда устувор вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар умумий ўрта таълим давлат стандартларининг шарҳлари ҳамда умумтаъ-

лим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиладиган 18 номдаги умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилиб, республика таълим

саларига қамраб олиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳусусида ҳам атрафлича сўз юритилди. Жумладан, 2010 — 2011 ўқув йилида умумтаълим мактаблари 9-синфларини 590 минг

Тадбир

ўқувчини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, хайъат йиғилишида Навоий вилоятида

Киносанъатимиз қунари

"Ўзбеккино" миллий агентлиги қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 20 йиллиғи муносабати билан Қашқадарёда миллий киносанъатимиз қунарини ташкил этди.

Тадбир доирасида ўтказилган учрашуларда қашқадарёлик муҳлислар таникли режиссёр ва актёрлар билан яқиндан мулоқот қилдилар. Шунингдек, ўзбек киножодкорлари томонидан сўнгги йилларда яратилган фильмлар тақдими ҳам ўтказилди.

Хусусан, намойиш этилган "Алданган аёл", "Кўрғошин", "Ургинчак тўри", "Тўққиз ой" каби бадиий фильмлар муҳлислар томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориш тартибида ўтказиладиган
очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига «AGROBANK» ОАТБ томонидан куйидаги корхоналарнинг мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида алоҳида лотларга бўлинган ҳолда куйилмоқда:

1-лот. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Тошхувуз кўчаси, 61-уйда жойлашган «АГРО МАХСУС ТУЗАТИШ СОЗЛАШ» МЧЖ мулкий мажмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 3 937 212 000 сўм.

2-лот. Хоразм вилояти, Богот тумани, Тинчлик кўчаси, 6-уйда жойлашган «BOG'OT AGRO» МЧЖ мулкий мажмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 2 148 493 000 сўм.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда 2011 йил 5 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига куйилган мулкий мажмуалар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларини қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Юқоридаги мулкий мажмуалар бўйича эълон «Биржа» газетасининг 2011 йил 2 августдаги 90-сонидан чоп этилган.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги куйидаги хисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Тел.: (8-371) 228-80-23, 228-84-48. Лицензия: RR-0001

UZTRANSOAZ

JOINT STOCK COMPANY

ДЖОЙНТ СТОК КОМПАНИ

«ЎЗТРАНСГАЗ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Хурматли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорлиқни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

754R/067

«SIBUZ-INVEST» МЧЖ

Болалар
ва ўсмирлар
учун

КИЙИМЛАР

RUDI family

Болалар
хурсанд
бўладилар!

Ўзбекистон, 100100, Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 40-«Б» уй.
Телефон (+99871) 255-95-67.
Факс (+99871) 255-96-37.
E-mail: sibuzinvest@gmail.com
Веб-сайт: www.rudifamily.uz

Фирма дўкони манзили:
Тошкент шаҳри, Юнусовод маззеи.
Мўжай — «Аҳмад Дониш буюм бозори» бекағи.



847R/75

«ТОШКЕНТ
ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган
куйидаги маҳсулотларни
харидорларга тақдим
этади (нархлар ҚҚС
билан қўшиб
ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 400 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 550 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ПРОСНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

КАРБИД — Козогистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:



Под заказ



ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

АВТОКРАНЫ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КК-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ

■ максимальная грузоподъемность — 14 т.
■ максимальная высота подъема — 14,5 м.

КК-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

■ максимальная грузоподъемность — 16 т.
■ максимальная высота подъема — 25 м (с гуськом).

КК-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

■ максимальная грузоподъемность — 25 т.
■ максимальная высота подъема — 30 м (с гуськом).

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

■ максимальная грузоподъемность — 8 т.
■ максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой).
■ максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.

Товар сертифицирован



Теперь
вся продукция
и в ЛАЗИНГ

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ

на шасси:
ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

МОДЕЛЬ	высота подъема люльки	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО- ЗАПРАВЩИКИ

Объемом 8м³ и 12м³
на шасси MAN,
КАМАЗ, МАЗ.



Под заказ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

688R/1437



Мустақиллик йилларида бу ерда катта ҳажмдаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб, воҳа тарихини ўрганиш борасида таниқли ўзбек олимлари Эдвард Ртвеладзе, Шокир Пидиев, Баходир Турғунов, шунингдек, маҳаллий тадқиқотчилар Шопўлат Шайдуллаев, Тўхташ Аннаев, Зокир Холиқов ва бошқа олимларнинг меҳнатлари тўғрисида салмоқли натижаларга эришилди.

Ҳозир бу ишларда истеъдодли ёш қадимшунослар ҳам фаол қатнашиб, асрлар давомида кечган тарихий-маданий тараққиёт жараёнининг янги-янги қирраларини очмоқдалар. Шунингдек, юртимизда тарихимизнинг бебаҳо ха-

ТАРИХНИНГ НОЁБ ГАНЖИНАСИ

зинасини ўрганишни мақсад қилган кўплаб чет эллик олим-тадқиқотчилар учун ҳам қулай имкониятлар яратилди. Эндilikда биргина Сурхондарё вилоятида Япония, Россия, Германия, Франция ва бошқа давлатларнинг илмфан намояндалари воҳанин Қоратеп, Чингизтепа, Кампиртепа, Фаёзтепа ва бошқа қадимий ёдгорликларига экспедициялар уюштириб, илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, мазкур тадқиқотлар натижасида тарихий аҳамиятга эга бўлган юзлаб топилмалар аниқланиб, Термиз археология музейига топширилаётгани ва хал-

Жаҳон миқёсида инсоният тамаддуни бешиклари-дан бири сифатида тан олинаётган Ўзбекистонимизнинг жанубий гўшаси — Сурхондарёда аини пайтга қадар 700 дан зиёд тарихий ёдгорликлар аниқланиб, давлат муҳофазасига олинган.

қимиз улардан миллий илм-фанимизнинг ривож, фарзандларимиз эса она-юрт тарихини ўрганиши йўлида самарали фойдаланаётгани ҳам бевосита мустақиллигимиз билан боғлиқдир. Юртбошимиз ташаббуси билан 2002 йилда ташкил этилган

Бундан ташқари, бу ерда маҳсус захира ҳамда устакхоналар ҳам мавжуд бўлиб, барчаси замонавий талаблар асосида жиҳозланган, керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган. Бу имкониятлардан музей ходимлари унумли фойдаланиб, ҳар бир



Мерос

Жумладан, таъмирлаш бўлими масъуллари Феруза Шарипова ва Эргаш Турдибоев томонидан Юнон-Бақтрия даври (милoddан oldingi IV аср)га мансуб сопол идиш реставрация қилиниб, экспозиция залларидан бирига жойлаштирилди. Ушбу ноёб топилма Бойсун туманидаги Қўргонзол ёдгорлиги ҳудудида таниқли археолог-олим Николауска Боровка бошчилигидаги немис тадқиқотчилари томонидан аниқланган эди.

Дарвоқе, музейнинг ўзи ҳам

яқинда янгича қиёфа касб этди. “Баркамол авлод — 2011” республика спорт ўйинлари арафасида бу ерда салкам икки юз миллион сўмлик капитал реконструкция ишлари бажарилди.

— Юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларда ҳам музейдаги ноёб экспонатларни кўришга қизиқиш катта, — дейди музей директори Исмоил Ботиров. — Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб, воҳадаги археологик тадқиқотлар, тарихий обидалар ва истиқлол даврида қурилган иншоотлар акс этган фотоқўргазма ташкил этидик. Бундан ташқари, музейимиз фаолиятига доир буклетлар

чоғ эттирдик. Унда жанубий воҳанинг тарихи, бебаҳо тарихий-маданий ёдгорликлари тўғрисида атрофлича маълумотлар берилган.

Тарихнинг жонли мактаби бўлган музейда қилинаётган диққатга сазовор ишлар миллий меросимизни кўз қорачигидек асраш, қадрлаш ва ўрганишга қаратилган. Бу эса фуқароларимизнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда, миллий ўзлигимизни англашда, ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, давлат ва миллатимиз тарихига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА.
Шомурот ШАРАПОВ
олган суратлар.

Самарқанд томонларда

Самарқанд шаҳридаги “Афросиёб” музейида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Кўргазма мозийдан сўзлайди

Ундан истиқлол йилларида археолог олимлар томонидан топилган тарихий ашёлар ўрин олган. Бу ерга қўйилган қадимий сопол идишлар, турли деҳқончилик ҳамда ов қуроллари, Қўктепа ёдгорлигидан топилган қатор экспонатлар ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, тадбир қатнашчиларига Самарқанд шаҳрида олиб борилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари акс эттирилган видеолавҳалар ҳам намойиш қилинди.

Бўлажак баҳодирлар баҳси

Самарқанд шаҳрида 1996 — 1998 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида оғир атлетика бўйича Халқ таълими вазирлиги қошидаги “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши биринчилиги ўтказилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 180 дан зиёд ёш спортчи қатнашган баҳслар якунида 38 килограмм вазнда қорақалпоғистонлик Жайхун Аллаберганов, 42 килограмм вазнда тошкентлик Дилшод Қурбоналиев, 46 килограмм вазнда хоразмлик Шаҳзод Худойберганов каби ёш спортчилар биринчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорлар медал ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сиз Қўшрабoт томонларда бўлганмисиз? Самарқанддан кун ботиш тарафда, салкам юз чакирим олисда Оқтов ва Қоратов тоғ тизмалари билан ўралган ушбу гўшанинг одамлари меҳнаткашлиги, мард ва топқирликлари билан тилга тушган. Қўшрабoтликлар азал-азалдан чорвадор бўлганликлари учунми, бу ерда тўй-ҳашамлар улук-қўпқарисиз, курашсиз ўтмайди. Давраларда кишиларни Ватанини севишга ва уни ардоқлашга, керак бўлса, юрт учун жонини фидо қилишга чорловчи дostonу қўшиқлар куйланади.

ОҚТОВ ЁҚДАН ОТ ДУПУРИ КЕЛАДИ...



Айтушларича, бир пайтлар чечанликда донги чиққан шу туманлик Султон кампир билан айтишув ўтказиш, уни мот қилиш учун бошқа элнинг оқини бу ерларга келган экан. Кўп йўл юриб, қаттиқ толиққан оқин Қўргон деб номланган жойда, катта кудук ёнида бирпасгина тўхтаб, хордиқ чиқаришини ният қилибди. Фалакнинг ишини қарангки, ўша пайтда Султон кампир ҳам нимадир юмш билан шу кудук ёнига келган экан. Унинг Султон чечан эканлигини билмаган оқин ўзининг сўзамоллигини кўрсатиш ҳамда бу ернинг одамларини синачи мақсадида Оқтовнинг ёши нечада эканлигини оқинларга хос айтимлар билан сурайди. Султон кампир эса ҳеч иккиланмай:

Фалакнинг
гардишини кўр,
Худойимнинг
ишини кўр.
Мен билмайман ёшини,
Оғзин очиб,
тишини кўр,

— деб ҳайратомуз жавоб қайтаради. Кампирнинг топқирлигига ичида қойил қолган оқин: “Вой-бў, бу овулнинг биринчи учраган одами шундай сўзамол бўлса, Султон кампир деганлари қандай бўлди?” дея ортга қайтган экан. Бундай чечан момо ва боболаримиз кўп бўлган. Шулардан яна бири Тилло кампир номи билан машҳур бўлиб, у нафақат сўзамол, балки тарих билимдони ҳам бўлган.

Қўшрабoтликларнинг фазилатлари ҳақида беҳиз сўз очмадик. Қўшрабoтда шакл-

ланган ижодий муҳит ўз вақтида бир қатор баҳши ва шоирларни камолга етказган. Жумладан, қирқдан ортиқ дostonни ёд билган Жуманбўлбул ва унинг ўғли Эргаш Жуманбўлбулнинг Қўргон дostonчилиги мактаби асосчилари эканлигини ким билмайди, дейсиз?!

Фурур

Улар “Гўрўғли”, “Алпомиш”, “Авазхон” ва яна ўнлаб дostonларни маҳорат билан ижро этиб, одамларни эзгулик ва мардликка илҳомлантириб келишган. Дўмбранинг гоҳ маҳзун, гоҳ ўйноқи, гоҳ шитобли оҳангларига ўйғунлашган сўзлар ҳар қандай кишини ўзига боғлаб олиши табиий-да.

Бундан йигирма йил илгари нурафшон бир тонг отди. Бирам ёқимли, бирам роҳатбахш ушбу тонг истиқлол шабадасини Оқтовга ҳам етказди. Харёқ яшаб, яшариб кетгандек бўлди гўё. Одамларни айтмайсизми, одамларни? Уларнинг фикрлари, ҳаётга қараши ўзгарди, янги дунёқарашга эга бўлдилар. Натижада Оқтов бағрида оппоқ манзилларга

қишлоғидаги Балиқчиота зитида бир қатор баҳши ва тарихий обидалар истиқлол шарофати билан қайта тикланди. Шўролар замонида уларнинг қаровсиз бир ахволда эканлигини кўриб, қай бириимизнинг юрагимиз эзилмаган, дейсиз.

Бугун ҳаммаси ўзгарди. Бугун мамлакатда бўлганидек, бизнинг Қўшрабoтда ҳам ёшлар учун уйлар, касб-хунаро коллежлари, мактаб, лицей ва санъат саройлари, спорт заллари шифо масканлари қурилиб, ишга туширилмоқда. Жумладан, туман марказидаги бир қаватли эски мактаб ўрнига икки қаватли, 320 ўринли замонавий мактаб биноси қурилаётганини кўриб, ростки, иччимдан қувониб кетдим. Бир пайтлар шароити хаминқадар бўлган ушбу эски мактабда ўқиганман. Янгисини эса таърифлашга сўз ожиз. Ёки туман марказий шифохонасини олайлик. Кейинги йилларда ушбу шифо маскани жаҳон андозлари даражасида таъмирланиб, энг замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ таъминланди.

Азал-азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келган қўшрабoтликлар бугун истиқлол имкониятларидан куч олиб, деҳқончилик ва тадбиркорликда ҳам ўзларини кўрсатишмоқда. Узоққа бормайлик, Оқтовнинг кунчиқш тарафиди Учқора деган қишлоқ бор. Бу ерда етиштирилаётган майизнинг довуғи узоқ-узоқларга етиб борган.

...Кел, эй дўстим, Оқтов этақларида яшаган ҳаётини ўз кўзинг билан кўр, завқлан. Шунда Эргаш Жуманбўлбулдай бўлиб, шоирга айлансанг, не ажаб...

Умид СОРИЕВ,
журналист.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда ташкилотнинг туман ва шаҳар бўлимларида бўлиб ўтган ҳисобот-конференциялари ҳақида сўз юритилди.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан “Камолот” ЁИХ Марказий кенгаши раиси Б. Ганиев ва бошқалар мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганлиги-

ЭЗГУ ИШЛАР САРҲИСОБИ

ни алоҳида қайд этиб ўтди. Жумладан, юртимизда изчилик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг тўб мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сунганда, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилаётган туркум тадбирлар муҳим аҳамият касб этаптир.

Маълумки, жорий йилнинг ноябрь ойида Харақатнинг навабдаги қурултои ўтказилди. Шу муносабат билан жойларда ҳисобот-конференциялари бўлиб ўтмоқда. Тадбирда туман ва шаҳар кенгаш-

ларининг ўтган даврдаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Айни чоғда ҳаракатнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳаётини ривожлантириш, бу жараёнда ёшлар фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий қарашларига эга баркамол авлодни тарбиялаш каби муҳим масалалар ҳам таҳлил этилди. Шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик-

нинг олдини олиш, бу борада мазкур ташкилотнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини кучайтириш, бошланғич ташкилотлар етакчилари малакасини ошириш, уларга ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш, ташаббусларини оммалаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Йўл қўйилган камчиликлар юзасидан ҳам турли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Наргис АЗАМАТОВА.

Реклама ва эълонлар

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TOU Co., LTD»
Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси

Жанубий Кореянинг «Doosan Infracore., Co LTD» компаниясида ишлаб чиқарилган юқори сифатли, жаҳон андозларига мос

Йўлсозлик ва қурилиш техникаларини

буюртма бўйича етказиб беради.

Манзил: 100020, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лайлитўғон кўчаси, 97-«А» уй.
Тел.: (+99871) 242-00-27, (+99890) 188-15-60, (+99890) 919-15-52. Факс: (+99871) 242-00-26.
E-mail: ujk@uztow.com

ОБ-ҲАВО
(4 август)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 23-28, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 23-28, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 23-28, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 19-24, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 22-24, кундузи 40-42 даража иссиқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли туманлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 29-34 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фахрий журналисти, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими

Бурхон ЗИЯЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК жамоаси Медиаметрия ва рейтинг бўлими катта муҳаррири Сурайё Тожиёевага волидаи муҳтарамаси **ШАКАР аянинг** вафоти муносабати чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон — Германия “Савдогар” очик акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг бошқарма бошлиғи ўринбосари Азим Ўроқовга укаси **Аваз ЎРОҚОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 262,1 ▼ - 10,2 ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 265,2 ▲ +15,4 АРМАТУРА 3455,1 ▲ + 83,8 ШИФЕР (1 лист) 14740 ▼ - 30 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ + 1,1 **Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Баш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 52546 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2030-8768

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 22.40

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпшов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бурунов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.